21«11»2022 yil.

468-2-32-OB/2022-son

ОЛДИ–СОТДИ ШАРТНОМАСИ№ 18

"18" ноябрь 2022 й.

Бухоро шаҳри

МЧЖ "BEST SERVICE BUXARA", (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи рахбари Хайдарова Ш.П.. номидан, бир томондан ва Бухоро туман Ободонлаштириш бошкармаси , кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устави, асосида иш юритувчи И.Ходжиев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи (хизматлар)	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нарх	Етказиш баҳоси
1	Цемент	тонна	52,5	937000	49192500
	Жами				49192500

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати 30 ноябрь 2022 йилгача.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 49192500 (кирк туккиз миллион бир юз туксон икки минг беш юз) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 14757750 сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг ноябрь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 34434750 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил 30 ноябргача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.